



«TIBBIY TA'LIM TRANSFORMATSIYASI: MEGATRENDLAR»



*mavzusidagi XVII xalqaro
o'quv-uslubiy konferensiya
materiallar tўplami*

Toshkent-2021, 29-30 dekabr

Konferensiya tashkilotchilari:

TTA rektori Shadmanov A.K., O'quv ishlar bo'yicha prorektor Boymuradov Sh.A. , O'quv – uslubiy bo'lim boshlig'i Massavirov Sh.Sh. , t.f.n., dotsent Avezova G.S.

Toshkent tibbiyot akademiyasida **“Tibbiy ta’lim transformatsiyasi: megatrentlar”** (“Transformatsiya meditsinskogo obrazovaniya: megatrendy”) mavzusidagi halqaro o‘quv-uslubiy tibbiyot konferensiyasi o‘tkazildi.

Bugungi kunda raqamli transformatsiya deyarli har qanday faoliyat sohasiga taalluqlidir. Zamonaviy texnologiyalar an’anaviy ta’lim bilan o‘qitishni amalga oshirib bo‘lmaydigan usullardan foydalanishga imkon berayotgani, ya’ni axborot texnologiyalar tobora o‘tib kelayotgan avlod uchun muhim tafakkur vositasiga aylanib borayotgani hech kimga sir emas. “O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 08.10.2019 yildagi PF-5847-sonli Farmoni qabul qilingan, bo‘lib Konsepsiyada oliy ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o‘tkazish; oliy ta’lim muassasalarida ta’lim, fan, innovatsiya va ilmiy-tadqiqotlar natijalarini tijratlashtirish faoliyatining uzviy bog‘liqligini nazarda tutuvchi «Universitet 3.0» konsepsiyasini bosqichma-bosqich joriy etish vazifalari belgilangan.

Toshkent tibbiyot akademiyasida 29-30 dekabr kunlari halqaro o‘quv-uslubiy tibbiyot konferensiyasi ham aynan shunday dolzarb mavzuga bag‘ishlangan bo‘lib, “..muallim, muallim, muallim,...tibbiyot, tibbiyot, tibbiyot” shiori ostida o‘tmoqda. Konferensiyada Mamlakatimizdagi 11 ta tibbiyot oliygohlari va ularning filiallaridan professor-o‘qituvchilar ishtirok etdilar. Dunyoning yetakchi tibbiyot universitetlari xususan, Litfa, Rossiya, Finlyandiya professorlari o‘zlarining ma’ruzalari bilan ishtirok etdilar.

Halqaro o‘quv-uslubiy konferensiyada oliy tibbiy ta’limning rivojlanish tendensiyasida raqamlashtirish, kredit –modul tizimi hamda simulyatsion o‘qitishning o‘rniga bag‘ishlangan muammolar va ularning yechimi masalalari ko‘rib chiqildi.

Tibbiyot oliy o‘quv yurtlarining ustuvor vazifasi talabalarga bilim berish jarayonida ularning kasbiy tayergarligini hozirgi zamon talablari darajasida rivojlantirish, ularda zarur bilim, ko‘nikma va malakalarni zamonaviy pedagogik va axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan unumli foydalangan holda shakllantirishdan iborat. Hozirgi globallashuv jarayonining ilmiy-texnikaviy sohada o‘zining ta’sirini ko‘rsatishi hamda zamonaviy axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini jadal sur’atda amaliyotga joriy etilishi, mamlakatimizda tibbiyot kadrlarini tayyorlash tizimining sifatini yanada oshirishga turtki bo‘lmoqda. Bu esa, zamonaviy o‘qitish texnologiyalariga ilmiy jihatdan metodik yondashuvlar talabalarning kasbiy mahorati, dunyoqarashini jadal shakllantirdi.

Ushbu to‘plamda tibbiy ta’limda raqamlashtirish, ta’limda innovatsion pedagogik texnologiyalarni qo‘llash, tibbiy ta’limdagi muammolar, masofaviy ta’lim, uning afzalliklari va muammoli jihatlari, shuningdek tibbiyotning dolzarb muamomolariga bag‘ishlangan materiallar keltirilgan.

Keltirilgan dalillar, ixtiboslar va statistik ma’lumotlarning haqqoniyligi uchun mualliflar mas’uldir.



I. TIBBIY TA'LIM



Большая часть знаний не может быть найдена в учебнике. Чтобы полностью постичь предметную область изучения, студент полагается на различные дополнительные ресурсы. Сегодняшняя дистанционная технология позволяет проектировать и создавать информационные инструменты, которые смогут облегчить эти трудности при подготовке любой дисциплины.

Литература

1. Канаво В. «Достоинства и недостатки дистанционного обучения через Интернет, URL: [http:// www.curator.ru/doplus.html](http://www.curator.ru/doplus.html).
2. Компьютер и образование: Сб. науч. ст. М., 2011.
3. Закон «Об образовании» Республики Узбекистан № ЗРУ-637. Ст. 16 <https://lex.uz/ru/docs/5013009>
4. Указ Президента Республики Узбекистан Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации. № УП-6079. <https://lex.uz/ru/docs/5031048>.
5. Компьютерные телекоммуникации в учебных заведениях / Е.С. Полат и др. М., 2015.
6. Проблемы информатизации высшей школы/ Гос. НИИ системной интеграции. Вып 3. — М., 2005.

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Хосият Садуллаева¹, Феруза Саломова², Сажид Шарипова³

1. Т.ф.н., доцент, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент. Ўзбекистон.

2. Т.ф.д., доцент, кафедра мудири, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент. Ўзбекистон.

3. Катта ўқитувчи, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент. Ўзбекистон.

Рақамлаштириш – барча учун таълим беришнинг бир хил сифатда ташкил этиш усулларида биридир. Рақамли ўқитиш орқали таълим олувчига персоналлашган ёндошувни тез ва осон шаклантириш, ҳар бир таълим олувчининг эҳтиёжини ҳисобга оладиган табақалаштирилган ўқитишни тадбиқ этиш имкони бўлади. Бироқ замонавий шароитда жамиятимизда асосий муаммони тушунишимиз зарур, айни вақтда техника ва онлайн-инструментлар жамиятимиз аъзоларининг барча қатламларида ва жойларда мавжуд эмас. Рақамли ўқитиш ҳақиқий самара беради, қачонки у оммавий таъминотга эга бўлса, бу эса давлат олдидаги бундай ўқув жараёнини ташкил этиш учун таълимнинг барча босқичларида зарур бўлган асосий фондлар билан таъминлаш каби алоҳида турган вазифадир [6].

Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва кишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, республиканинг барча ҳудудларида ИТ-

паркларни ташкил этиш, шунингдек, соҳани малакали кадрлар билан таъминлашни кўзда тутувчи 220 дан ортиқ устувор лойиҳаларни амалга ошириш бошланган. Республикада рақамли индустрияни жадал ривожлантириш, миллий иқтисодиёт тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «**Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили**»да амалга оширишга оид давлат дастурида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда 2020 йил якунига қадар 13 та намунавий туманларда IT – инфратузилмасини яратиш, компьютер ускуналари билан жиҳозланишни назарда тутган ҳолда мактабгача ва умумтаълим мактаблари ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини рақамлаштиришни яқунлаш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ахборот тизимларини жорий этиш ва масъул ходимларни ўқитишни ташкил этиш етакчи вазифалардан биридир [1].

Электрон ҳукуматни ривожлантириш мақсадида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига рақамли технологияларни кенг жорий қилиш соғлиқни сақлаш, бунда тиббиёт соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш; таълим жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълимни бошқаришни автоматлаштириш ва ҳар томонлама таҳлил қилиб бориш тизимини яратиш; олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда «Буюмлар интернет», робототехника, сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш; қоғоз шаклидаги материалларни рақамлаштириш форматларидан фойдаланиш бўйича давлат ягона талабини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлашни таъминлаш орқали таълимда ўқув материалларини рақамлаштириш; рақамли технологиялар соҳасида илмий-тадқиқот ишларини ривожлантириш ва рағбатлантириш, уларнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш; янги қидирув тизимларини яратиш йўналишини ишлаб чиқиш ва аниқлаш, шу жумладан аудио ва видео материалларни излаш ва аниқлаш учун ечимлар, ахборотни қидириш ва олишда семантикадан фойдаланиш, машинавий таржима тизимидаги янги технологиялар, шунингдек, машинавий ўқитишнинг янги алгоритмлари ва технологияларини ривожлантириш; катта ҳажмдаги маълумотлар тўпламини таҳлил қилиш ва билимларни тўплаш бўйича, шу жумладан катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, сақлаш ва интеллектуал таҳлил қилишнинг янги усуллари ва алгоритмларини, катта ҳажмдаги маълумотларни тарқатиш учун янги усуллар ва дастурлар, шу билан бирга мураккаб муҳандислик ечимларини башоратли моделлаштириш учун янги усуллар ва дастурий таъминотлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш; мактабгача, ўрта ва олий таълим тизими учун электрон таълим ресурсларини янада такомиллаштириш, шунингдек, ички ва жаҳон таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлаш кабитадбирлар амалга оширилади [2].

Рақамли технологиялар инсон фаолиятининг барча жабҳаларига, шу қаторда таълим соҳасига ҳам кириб борди. Компьютер ва биринчи даражада on-line технологиялар замонавий олий таълимни, ўқитиш жараёнининг мазмуни нуктаи назаридан ҳам, жараёни ташкил этиш нуктаи назардан ҳам ўзгартириб юборди. Олий таълим ўқитувчининг талабага материални етказиш услубиёти нуктаи назардан классик ва академик тарзда

қололмайди, бу нафақат қоғоз шаклидаги ўқув фондини рақамлаштириш, айрим фанлардан маъруза материалларини видеомаъруза қилиб ёзиб олишни ҳам назарда тутди. Олий таълим ўз тарихида биринчи марта ўз деворларидан ташқарига чиқди ва on-line маконда оммавий форматга ўтди [4].

Профессional таълим ва ўқитишда рақамлаштиришнинг замонавий жараёни таълим олувчига катта имкониятларни очади, аммо бир вақтнинг ўзида маълум бир қийинчиликлар ва муаммоларни келтириб чиқаради. Улардан бири - профессионал таълим ва ўқитишда рақамлаштиришнинг самарадорлигини аниқлаш учун услубий таъминотни ишлаб чиқишдир. Олимларнинг фикрича олий таълимда ўзгаришлар нафақат технологик прогресс билан, балки жамиятда ижтимоий-демографик ўзгаришлар билан ҳам боғлиқдир. Аввалги авлодлар билан солиштирганда замонавий ёшлар ўқув жараёнига нисбатан новаторлик қарашлари билан фарқ қилади, ўқув машғулотларининг услубий таъминотига янги талабларини қўяди, таълим потенциалига адекват ёндошадилар. Шу билан боғлиқ ҳолда олий таълимда дарс берадиган ўқитувчилар талабаларнинг мотивациясини ошириш мақсадида анъанавий ўқитиш усуллари кайта кўриб чиқишлари лозим [5, 13, 15].

Педагог-олимлар таълим олувчига нафақат базавий билимлар йиғиндиси ва фойдали меҳнат кўникмаларини бериши, балки уларда янгиликларни яъни билимлар, меҳнат фаолияти турлари ва шакллари, ташкилий в бошқарув тамойилларини, эстетик ва маданий кадриятларни қабул қилиш ва ўзлаштиришларини тарбиялашлари ҳам керак.

Рақамли ўқитиш бу ўқув амалиётнинг шундай турики, бунда таълим жараёнида рақамли ускуналар ва технологиялардан фойдаланиш ва қўллашга асосий урғу берилади. Турли давлатлар ва таълим муассасаларида таълим тизимининг имкониятларига боғлиқ ҳолда рақамли технологиялар турлича қўлланилади. Рақамли ўқитишнинг даражасини тушуниш учун унинг баҳолаш мезонларини белгилаб олиниши муҳимдир [7].

Рақамли ўқитиш технологияларини мезонларига зарур бўлган ускуналарнинг мавжудлиги, тегишли дастурий таъминотини аниқлаш, ишлаб чиқилган ўқув жараёни тизими, инновацион ёндошув, ўқитишнинг аниқ турининг мавжудлиги, тайёрланган юқори малакали кадрлар киради.

Таълим жараёнини рақамлаштиришда машғулотлар олиб бориш учун аудиторияларни қиммат бўлган махсус техника билан жиҳозлаш керак бўлади, бу эса моддий жиҳатдан таълим муассасаси бюджетидан ортиқча харажатлар қилишни талаб этади. Анъанавий таълим бериш жараёни ўз навбатида чекиниши кузатилиб, билимларни қабул қилиш ва анъанавий таълим кўникмалари йўқолиб боради. Ўқув жараёнини ва интизомни назорат қилиш пасаяди, тўлиқ рақамли ўқитишга ўтилганда ахборотлар олиш енгиллашади, таълим олувчиларнинг бир-биридан “кўчириб олиш” ҳолатлари одатий ҳолга айланиши мумкин. Талаба-ёшлар рақамли техникага қарам бўлиб қолиши ривожланади, кўп вақтини компьютер олдида ўтказишлари албатта уларнинг саломатлигига таъсир этмасдан қолмайди, нурланишларнинг таъсирини қандай даражада таъсир этаётганини аниқ тасаввур қилолмаймиз. Ҳар бир талабанинг ўз шахсий сифатларини йўқотиши ҳам рақамли ўқитишнинг салбий томонлари сифатида қаралади. Айрим олимларнинг фикрича рақамли ўқитиш ижобий томонларга ҳам эга. Таълим жараёни доирасида электрон ўқитиш мобиллиги, ноформаллиги, тежамкорлиги, интерфаоллиги, технологиклиги ижобий томонлари сифатида қаралади. Бу ҳолатда ҳар бир таълим олувчига индивидуал ёндошув имконияти мавжуд бўлади. Шу мақсадда

тегишли услубий ёндошувларни қўллаган ҳолда ҳар бир таълим олувчига персонал дастур ишлаб чиқилади [9, 13, 14].

Рақамли технологияларнинг таълим жараёнида қўлланишида афзалликлар ҳам мавжуддир, агар таълим жараёни масофавий ташкил этилган бўлса айтилган вақтда дунё бўйлаб тарқалган пандемия ҳолатида бу айтилган муддаодир. Бундай ҳолатда таълим олувчи мустақил изланишга ҳаракат қилади, келгусида модул-кредит тизимини кенг жорий этилишида бу жуда ҳам қўл келади. Мустақил таълимнинг тиббий таълимда 60% қисмини ташкил этилиши билимларни мустақил ўрганиш, ўзлаштириш, таҳлил қилиш, қарор қабул қилиш ва хулоса чиқаришга ундашда қўл келади. Аммо бунда ахборот-ресурс марказларидан фойдаланиш ҳолати бу марказларнинг етарли даражада ресурслар билан таъминлаб бериши учун зарурий дастур, платформалар ва тизимлардан фойдаланишларини ва қўллашларини талаб этади. Рақамли технологиялардан фойдаланиб рақамли таълимга ўтиш келажак технологиялари ва инновацияларини ўзлаштиришга ва уларни қўллашга ундайди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларга асосланган инновацион таълим технологиялари ва дидактик материаллари оммавий ва самарали қўллаш орқали таълим тизимини рақамли авлодга мослаштирилади. Шу билан бирга, таълим жараёнида тадқиқотга асосланган ёндашувдан фаол фойдаланиш лозим ва бу билан илмий тадқиқотда талабаларнинг кўникмаларини ривожлантириш ва ИТ-компетенцияга асосланган ижодий қобилиятларини ва ижодий фикрлашларини шакллантириш мумкин. Ахборот ва коммуникация технологиялари – таълим тизимидаги барча муаммоларга ечим эмас, балки рақамли авлод учун маърузалар ва семинарларни маълумотларга бой ва интерактив қилиб амалга ошириш воситасидир. Шунинг ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, ўқитувчилар талабаларнинг эҳтиёжларига йўналтирилган интерфаол ўқув жараёнида асосий ролни сақлаб қолади. Ўқитувчининг обрўси ва унинг фаолиятининг самарадорлиги фақатгина курс мазмунидаги билимлар даражаси ва унинг педагогик қобилиятига эмас, балки муайян ўқув материални тўплаш, қайта ишлаш ва ўқитишда ўқитувчининг қанчалик замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражасига боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли асрда таълим қайта кўриб чиқилиши ва таълим парадигмаси ўзгартирилиши шарт, чунки талабалар ортиқ анъанавий услубда ўқишни хоҳламайдилар ва ўқитувчилар ҳам бу каби оддий усулда ўқитишни давом эттиришлари керак эмас [3,11].

Болония жараёни мақсадларини реализация қилиш имконияти ҳамда электрон ўқитишнинг ҳамкорлар билан интеграцияни ўрнатишга имкон беради [9].

Олимлар ҳозирги кунда таълимни ташкил этишда рақамлаштириш ўз таркибига кўпгина жараёнларни, ахборотларни қайта ишлаш инструментларини, турли технологияларни олишини таъкидлайдилар. Айтилган даврда рақамли ўқитишнинг турли форматлари, кўп сонли технологик ёндошувлар мавжуд бўлишига қарамасдан дарс бериш ва ўқитиш соҳасида анъанавий тавсияларга қўшимча усуллар сифатида фойдаланилади. Келажакда тўрт турдаги технологиялар таълим тизимида катта аҳамиятга эга бўлади, буларга сунъий интеллект, виртуал ва кенгайтирилган воқелик, блокчейн ва юқори технологик аудиториялар киради [8].

Масаланинг иккинчи тарафи рақамли ўқитишни ташкил этишда дарс берувчи ўқитувчининг роли ҳам ўзига хосдир. Ўқитувчининг “рақамли маданият”и ҳам турли технологияларни ўзгариши шароитида қуйидагиларни назарда тутаяди: ўз педагогик

тажрибасини англаш, тушуниш ва баҳолаш; умуман ўз касбий фаолиятини таҳлил қилишни билиш; сўнги янги ориентацияга мос тез ва конструктив ўзгартириш; янги технологиялар ва усулларни ўзлаштириш, янги натижалар олиш даражасига чиқишни талаб этади [10, 12].

Республикамизнинг барча Олий таълим муассасаларидаги каби Тошкент тиббиёт академиясида хусусан, Атроф муҳит гигиенаси кафедрасида фанларни ўқитиш 2019 йил март ойидан COVID-19 пандемияси сабабли онлайн шаклда масофавий ўқув жараёнини ташкил этилиши бу жиҳатдан ҳар бир ўқитувчини ўз рақамли маданиятини ўзгартиришига олиб келди. Moodle платформаси орқали таълим бериш айниқса ўқитувчиларнинг мазкур платформада ишлаш малакасини оширди, ҳар бир талабага индивидуал ёндошувга олиб келди. Айниқса, бунга ТТА раҳбарияти томонидан Moodle платформасида ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш учун ташкил этилган семинар жуда ҳам катта имкон яратди.

Тиббий таълимда мазкур технологиялардан фойдаланиш зарур бўлган назарий билимлардан ташқари амалий кўникмаларни эгаллаш ва автоматизм даражасида маҳоратга эга бўлишда аҳамият касб этади. Жумладан, тиббиёт соҳасида сунъий интеллект технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораторияларни ташкил этилиши таълим йўналишларига мос равишда амалий кўникмаларни шаклланиш имконини ва етук юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга замин яратади.

АДАБИЁТЛАР:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон -2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли Фармони.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.04.2020 йилдаги ПҚ-4699 сонли “Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори.

3.Адизов Б. Таълим беришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти // Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман материаллари. Бухоро, 2020, 8-13б.

4.Колсанов А.В., Воронин А.С. и др. Трансформация системы высшего медицинского образования на примере Самарского государственного медицинского университета // Современные проблемы науки и образования. – 2019.-№4.

5.Лазаренко В.А., Калуцкий П.В. и др. Адаптация высшего медицинского образования к условиям цифровизации здравоохранения // Медицинская педагогика. – Высшее образование в России.-2020.- №1.

6.Никифорова В.В. Цифровизация образования: возможности и риски// Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 108-111б.

7.Макарова Е.И., Бурлей Д.Е. Возможности применения цифровых технологий в образовательных системах // Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 89-92б.

8.Маковкина Е.И. Образовательные технологии будущего //Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 92-94б.

Toshkent tibbiyot akademiyasining «Tibbiy ta'lim transformatsiyasi: megatrentlar» mavzusidagi halqaro konferensiya materiallar to'plami, 2021 yil 29-30 dekabr

9.Охрименко Е.И. Электронное образование: тенденции и перспективы // Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 118-120б.

10.Соснина Н.Г. Содержание цифровой культуры //Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 156-158б.

11.Тўхсанов Қ. Таълим беришда рақамли технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти // Халқаро илмий-амалий онлайн анжуман материаллари. Бухоро, 2020, 6-8 б.

12.Фальченко О.Д. Цифровая трансформация высшего образования //Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 183-186б.

13. Чекалина Т.А., Тумандеева Т.В., Максименко Н.В. Основные направления и перспекти-

вы развития онлайн-обучения // Профессиональное образование в России и за рубежом.2018. № 3. С. 44–52.

14.Чучкалова И.Ю. Цифровизация и цифровые технологии в образовании //Тенденции развития электронного образования в России и за рубежом. I Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Екатеринбург, 15 май 2020 й, 202-205 б.

15.Busse J., Lange A., Schumann M. Effects of Digitalization on Vocational Education and Training: First Results of a Qualitative Study // Pinkwart N., Konert, J. (Hrsg.) DELFI 2019. Bonn: Gesellschaft für Informatik e.V. P. 67–72. DOI:10.18420/delfi2019_206

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, УЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИДА ҲИССИЙ ЧАРЧОҚНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ

**Феруза Саломова^{1*}, Нигора Ахмадалиева^{2*}, Сажид Шарипова^{3*}, Дилафруз
Нигматуллаева^{4*}, Равшан Мажидов^{5*}**

¹DSc, Кафедра мудир, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон.

² DSc, Доцент, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон.

³ Катта ўқитувчи, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон.

⁴ Ассистент, Атроф мухит гигиенаси кафедраси, Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент, Ўзбекистон.

⁵ Талаба, Тошкент тиббиёт академияси тиббий профилактика ва жамоат саломатлиги факультети, Тошкент, Ўзбекистон.

Муаммонинг долзарблиги. Кундалик ҳаётда биз тез-тез касбий стресс, хиссий ва касбий чарчаш синдроми феноменига дуч келамиз. Кўп жиҳатдан, бу одамлар билан ўзаро муносабатлар билан боғлиқ бўлган касблар учун хос ҳисобланади. Бундай касбларга қаторига ўқитувчилик касби ҳам қиради. 2020 воқеалари, COVID-19 пандемияси шартларини ҳисобга олиш зарур бўлганда, ўз-ўзини изоляция қилиш чораларини кучайтириш нафақат педагогик жамоа учун янги талабларни, масалан, масофавий таълим

Toshkent tibbiyot akademiyasining « Tibbiy ta'lim transformatsiyasi: megatrentlar » mavzusidagi halqaro konferensiya materiallar to'plami, 2021 yil 29-30 dekabr

MUNDARIJA

I. TIBBIY TA'LIM.....	2
Исканова Г.Х., Каримжонов И.А., Ташкенбаева У.А., Эгамова С.Ш. НЕОНАТОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА СИМУЛЯЦИОН ТАЪЛИМНИНГ АХАМИЯТИ.....	3
Xalmuxamedov B.T., Nuritdinova N.B. TELETIBBIYOT TEXNOLOGIYALARI ASOSLARI – TIBBIYOT OLIY O'QUV YURTLARI TALABALARINI O'QITISH VEKTORI.....	7
Базарбаев М.И., Сайфуллаева Д.И. ЦИФРОВАЯ МЕДИЦИНСКАЯ ЭКОСИСТЕМА: ГЕНЕЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ.....	11
Касимов У. , Бабабеков А., Султанова Д. ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ ВЫСШЕГО МЕДИЦИНСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ ПУТЕМ ВНЕДРЕНИЯ ЦИФРОВЫХ ОНЛАЙН КОНСУЛЬТАЦИЙ В ХИРУРГИИ.....	15
Тагаева М.Х., Бахранова Д.Ф. ТИББИЙ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ЎҚИТИШНИНГ ИНТЕРАКТИВ ШАКЛИ: КОМПЬЮТЕРЛИ СИМУЛЯЦИЯ УСУЛИНИНГ АХАМИЯТИ.....	20
Нормуродов С.Д., Максудова З.С., Имамова И.А., Ташпулатова Ш.А., Султонова Г.Ю. ВОСПИТАНИЕ СТУДЕНТОВ - ЭТО ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР СПОСОБСТВУЮЩИЙ ДАЛЬНЕЙШЕМУ РАЗВИТИЮ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ.....	23
Худайбердиев Х.И., Аллаева М.Ж., Мустанов Т.Б., Мамаджанова М.А., Джанаев Г.Ю. ПРЕИМУЩЕСТВА И НЕДОСТАТКИ ДИСТАНЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ.....	26
Садуллаева Х., Саломова Ф., Шарипова С. ТИББИЙ ТАЪЛИМДА РАҚАМЛАШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	30
Саломова Ф., Ахмадалиева .Н, Шарипова С., Нигматуллаева Д., Мажидов Р. МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ, УЛАРНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИДА ҲИССИЙ ЧАРЧОҚНИНГ ЎЗИГА ХОС ТОМОНЛАРИ.....	35
Шермуратов А., Бобоева Р., Бобоева З. ТАЪЛИМДА РАҚАМЛАШТИРИШ КРЕАТИВ ФИКРЛАШНИ РИВОЖЛАНТИРАДИ.....	41
Парпибаева Д., Халматова Б., Шукурова Ф. СИМУЛЯЦИОННОЕ ОБУЧЕНИЕ В ОБУЧЕНИЕ НАВЫКАМ СЕРДЕЧНО- ЛЕГОЧНОЙ РЕАНИМАЦИИ.....	45
Narmetova Yu.K. RAQAMLI IQTISODIYOT — IQTISODIY, IJTIMOIY VA MADANIY ALOQALARNING RAQAMLI TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH TIZIMIDIR.....	47
Dilnoza Kholmira kizi. CORPUS LINGUISTICS OF PARALLEL LANGUAGES.....	50
Аскарлова Н.А. ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ РАЗВИТИЕ ПЕДАГОГА В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ.....	53
Ахмедова Н., Алиева К. ИЧКИ КАСАЛЛИКЛАР ФАНИНИ ЎҚИТИШДА МОБИЛ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....	56